

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ
РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ХУНАРМАНД” УЮШМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**Республикадаги ўқувчиларини “Икки тил ва бир касб”
тамоийлини амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорлик
тўғрисида**

ҚЎШМА ҚАРОР

Тошкент ш.

“ 31 ” июль 2023 йил.

I. МУҚАДДИМА

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-27-сон Фармонининг 8-бандига ҳамда 2023 йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПКҚ-92-сон Қарорига мувофиқ ўқувчи ёшларни мактаб даврида хорижий тил ва битта касб-хунар ўрганишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилаётган ушбу қўшма қарор Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Республика Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда – Томонлар) ўқувчиларни “Икки тил ва бир касб” тамойили асосида ўргатишга оид ҳамкорликдаги фаолиятни ифода этади.

II. ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ

2. Томонлар ўртасида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни “Икки тил ва бир касб” тамоили асосида хорижий тил ва касб-хунарга ўргатиш ишларини самарали ташкил этишда ўзаро кўмак кўрсатиш борасида ҳамкорлик қилиш.

III. МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

3. Умумий ўрта таълим мактабларда ўқувчиларни “Икки тил ва бир касб” тамоили асосида хорижий тил ва касб-хунарга ўргатиш ишларини самарали ташкил этишда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний жамғармаси” билан ўқувчиларни хорижий икки тил ва битта касб-хунарга ўргатишдаги ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлари бўйича ташкил этиладиган тадбирларнинг дастурларини ҳамда режаларини ишлаб чиқади.

4. Ҳамкорликда тажриба синов тариқасида танлаб олинган мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини кўшимча равишда хорижий тилга ўқитиш ҳамда касб эгаллашларини ташкил этади.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорликда амалга ошириладиган ўқувчиларни хорижий тил ва касб-хунарга ўргатиш ишларини самарали ташкил этиш борасида мақсадли индивидуал дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқишини ташкиллаштиради.

6. Ушбу қўшма қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилишини таъминлайди.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ

7. “Икки тил ва бир касб” тамойили асосида ҳар бир ҳудуд марказидан олисда бўлган 2 тадан мактабни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда танлаб олади.

8. Танлаб олинган 28 та мактабларнинг ҳар бирида кам таъминланган оила фарзандларидан 20 нафар, жами 560 нафар ўқувчилар рўйхатини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда шакллантиради ҳамда хорижий тилга ўқитилишида кўшимча репититорлик машғулотлари билан шуғулантириш учун ҳар 10 нафар ўқувчига 1 нафар ўқитувчи бириктирилади.

9. Ҳар бир ўқитувчи 10 нафар ўқувчига чет тилидан репититорлик машғулотларини ўтказгани учун ойига қўшимча 1 млн сўм миқдориди “Нуроний” жамғармасининг тадбиркорлик фаолиятидан тушган маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади.

10. Танлаб олинган 28 та мактабнинг юқори синф ўқувчиларига қизиқишларига қараб касб-хунар ўргатиш борасида тажрибали хунарманд нуронийларга бириктириш йўли орқали ўқувчиларга дарслардан ташқари вақтларда хунар ўргатилишини ташкил этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-92-сон Қароининг 6-банди ижроси юзасидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими муассасаларида “Иккита тил ва бир касб” тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги устидан Нуронийлар жамоатчилиги назоратини олиб боради.

12. “Нуроний” жамғармаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тажриба мактабларидаги ташкил этиладиган маҳорат дарслари, семинарларда нуроний хунармандлар иштирокини таъминлайди.

13. Ушбу қўшма қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва жамғарма ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида ёритилишини таъминлайди.

V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ХУНАРМАНД” УЮШМАСИ

14. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар “Хунарманд” уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва биргаликда тажриба синов тариқасида танлаб олинган туман (шаҳар)лардаги мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини касбга ўргатиш мақсадида хунармандларни мазкур мактабларга бириктирилишида қўмаклашади.

15. “Хунарманд” уюшмаси томонидан танлаб олинган мактабларда ўқувчиларни касб-хунарга ўргатилишида “Усто-шогирд” тамойили асосида ишлар амалга оширилишида услубий, амалий ёрдам кўрсатади.

16. Ушбу қўшма қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилишини таъминлайди.

VI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

17. Ёшлар ишлари агентлиги танлаб олинган мактаб ўқувчиларини хорижий тилга ўқитиш ва касб-хунарга ўргатилишида, ўқувчиларни мунтазам

машғулотларга қатнашини ҳамда уларнинг мунтазам шугилланишлари бўйича назорат ишларини таъминлайди.

18. Ушбу қўшма қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва агентлик ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида ёритилишини таъминлайди.

VII. ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

20. Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу қўшма қарорнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгиллаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

21. Мазкур қўшма қарор имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Мақтабгача ва мақтаб таълими
вазирлиги
Х.Умарова

№ 3-5/5 « 31 » июль 2023 йил

“Нуроний” жамғармаси республика
бошқаруви раиси
С.Турдиев

№ 3-5/5 « 31 » июль 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси
“Хунармандлар” уюшмаси раиси
У.Абдуллаев

№ 3-5/5 « 31 » июль 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
хузуридаги Ёшлар ишлари
агентлиги директори
А.Саъдуллаев

№ 3-5/5 « 31 » июль 2023 йил